


Тошкент вилоят Адлия бошқармаси
томонидан

2013 йил «16» 09
253/415 -сон билан
«РУИХАТГА ОЛИНГАН»



Масъулияти чекланган жамият
шаклидаги хорижий корхона
Иштирокчисининг

2013 йил «12» 09
1 -сонли Қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

天津市润通
石油设备有限公司



«RUN TONG METAL INDUSTRIAL»

MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT
SHAKLIDAGI XORIJIY KORXONASINING

УСТАВИ

2013й.

МУНДАРИЖА

1	ТАЪРИФЛАР ВА ТАЛҚИНЛАР	2
2	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
3	ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ	3
4	ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ТУРЛАРИ	4
5	УСТАВ ФОНДИ	8
6	УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ	9
7	УСТАВ ФОНДИНИ КАМАЙТИРИШ	9
8	ИШТИРОК ЭТИШ УЛУШИНИ БОШҚАГА БЕРИШ	9
9	ФОНДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	9
10	ЖАМИЯТ МУЛКИ	10
11	ИШТИРОКЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	10
12	ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАР ЎРНИНИ ҚОПЛАШ	11
13	ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ	11
14	УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ	12
15	ДИРЕКТОР	13
16	ЙИРИК БИТИМЛАР	15
17	БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ; МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ	15
18	ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ	16
19	НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ	17
20	БОШҚА ҚОИДАЛАР	17

**«RUN TONG METAL INDUSTRIAL»
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
ХОРИЖИЙ КОРХОНАСИНИНГ
(Жамият)
УСТАВИ**

Куйида «Жамият» деб номланадиган «RUN TONG METAL INDUSTRIAL» Mas'uliyati Cheklangan Jamiyat shaklidagi xorijiy korxonа Uzbekiston Respublikasi Fuqarolik Kodeksi, Uzbekiston Respublikasi «Mas'uliyati cheklangan va qushimcha mas'uliyatli jamiyatlаr turgisida»gi konuni va Uzbekiston Respublikasining бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ таъсис этилган.

1 ТАЪРИФЛАР ВА ТАЛҚИНЛАР

1.1 Таърифлар:

Мазкур уставда, агар контекстан бошқа маъно келиб чиқмаса, қуйидаги атамалар қуйида кўрсатилган маъноларга эга бўлади:

«Директор»	Жамият директорини англатади;
«Иштирокчи»	Хитой Халқ Республикаси қонунчилигига мувофиқ Тяньцзинь шаҳри Савдо-Саноат маъмурий бошқармаси қошидаги Цзиньнань бўлими томонидан 13.07.2011йилда рўйхатга олинган, рўйхатга олиш рақами 120113000006052, Цзиньнань вилояти, «Синьчжуан» саноат туманида жойлашган «TIANJIN RING-TOP PETROLEUM MANUFACTURE CO. LTD» масъулияти чекланган компаниясини англатади;
«Иштирок этиш Улуши»	Иштирокчининг Устав фондидаги 100% лик иштирок этиш улушини англатади;
«Қонунчилик»	Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституцияси, Қонунлари, Кодекслари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни англатади;
«Тугатувчи»	Мазкур Уставнинг 18.5-моддасида баён қилинган маънога эга;
«Жамият»	«RUN TONG METAL INDUSTRIAL» Масъулияти чекланган жамият шаклидаги хорижий корхонани англатади;
«Умумий Йиғилиш»	Жамият иштирокчилари умумий

	йиғилишини англатади;
«Захира Фонди»	мазкур Уставнинг 9.1-моддасида баён қилинган маънога эга;
«Устав»	мазкур Устав ва унга мазкур Уставнинг 20.1-моддасига мувофиқ киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни англатади;
«Устав Фонди»	Жамият Устав фондиди англатади;
«Ўзбек Сўми» ёки «UZS»	ўзбек сўмини, яъни Ўзбекистон Республикасининг қонуний валютасини англатади;
«АҚШ доллари» ёки «USD»	Америка Қўшма Штатлари долларини, яъни Америка Қўшма Штатларининг қонуний валютасини англатади.

2 УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1 Жамиятнинг тўлиқ расмий номи қуйидагича:

- ўзбек тилида: «RUN TONG METAL INDUSTRIAL» Mas'uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi xorijiy korxonа;
- рус тилида: Иностранное предприятие в форме общества с ограниченной ответственностью «RUN TONG METAL INDUSTRIAL».

2.2 Жамиятнинг қисқартирилган расмий номи қуйидагича:

- ўзбек тилида: «RUN TONG METAL INDUSTRIAL» MChJ XK;
- рус тилида: ИП ООО «RUN TONG METAL INDUSTRIAL».

2.3 Жамиятнинг жойлашган манзили

Жамиятнинг юридик ва почта манзили қуйидаги ҳисобланади: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Ангрен ш., Навои к., 3-уй.

2.4 Фаолият муддати

Жамият Ўзбекистон Республикасида фаолият юритиш учун номуайян муддатга тузилган.

3 ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

3.1 Жамият масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилмоқда ва Қонунчиликка мувофиқ давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб

- 3.3 **Жамият** ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк доирасида **жавобгар** бўлади. Жамият Иштирокчининг мажбуриятлари бўйича **жавобгар** бўлмайди. Агар қонун ҳужжатларида бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, Иштирокчи Жамият мажбуриятлари бўйича фақат ўзининг Иштирок этиш улуши доирасида жавобгар бўлади.
- 3.4 **Жамият** давлат мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек давлат жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.
- 3.5 **Жамият** мол-мулкка эга бўлиш ва ўз номидан фаолият олиб боришга, унинг фаолиятига тегишли бўлган, Қонунчилик ёки мазкур Устав билан таъқиқланмаган барча ёрдамчи ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир. **Жамият** ўзининг маъмурий тузилмаси, қарорлар қабул қилиш тартиби, маркетинг сиёсати, меҳнатга ҳақ тўлаш сиёсати ва фаолияти ҳамда бошқарувининг бошқа соҳаларини Қонунчиликка мувофиқ белгилайди.
- 3.6 **Жамият** ўзининг бухгалтерия ҳисобини юритади, мустақил балансига ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга, банк ва молия кредит муассасаларида Ўзбек Сўмида ва хорижий валютада тўлов ҳисобрақамларига эга.
- 3.7 **Жамият** алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва номулкий ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда ва ҳар қандай арбитражда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.
- 3.8 **Жамият** ўзининг фирма номига ва намуналари Иштирокчи томонидан тасдиқланган фирма муҳри, товар белгиларига, шунингдек фирма номи ёзилган штамплар ва бланкаларга эга бўлишга ҳақлидир. Иштирокчининг товар белгисидан унинг розилиги билан йўл қўйилади.

4 ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ТУРЛАРИ

- 4.1 Қонунчиликка мувофиқ Жамият фаолиятининг мақсади фойда олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятининг соҳалари ва турлари қуйидагилардан иборат:
- 4.1.1 **Метал буюм ва конструкцияларни (тузилишларни) ишлаб чиқариш;**
- Ишлаб чиқариш, савдо, етказиб бериш ва тегишли хизматлар кўрсатиш;
 - ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш, материаллар ва ускуналарни етказиб бериш, жумладан улгуржи савдо;
 - маслаҳат ва инжиниринг хизматлари кўрсатиш;

- Жамият маҳсулотлари ва хизматларини сотиш соҳасида, шунингдек Жамиятни бошқариш соҳасида малакали техник ва савдо ходимларини ўқитиш ва тайёрлаш;
- Жамият фаолияти билан боғлиқ ноу-хау, товарлар, материаллар ва хизматларни экспорт ва импорт қилиш.

4.2 Қонунчиликка мувофиқ Жамият фаолиятининг предмети қуйидагилар ҳисобланади:

- Қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ташқи савдо фаолиятини, жумладан экспорт ва импорт операцияларини амалга ошириш;
- саноат ва технологик мақсадларга мўлжалланган, шунингдек истеъмол товарлари ишлаб чиқариш;
- машина ускуналари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун ускуналар, бутловчи материаллар, саноат ва технологик мақсадларга мўлжалланган товарларни импорт қилиш;
- улугуржи, чакана, тижорат ва воситачилик савдосини, почта орқали савдони амалга ошириш, шунингдек бошқа ҳар қандай савдо турларини ташкиллаштириш;
- Жамият, унинг таъсисчилари ва хорижий фирмалар маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида сотиш учун фирма магазинлари, савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, дилерлик тармоқлари ва консигнацион омборларни очиш;
- юklar ва маҳсулотларни сақлаш, ўраш, омборхоналар, шунингдек консигнацион омборларга жўнатиш ва транспортировка қилишни ташкиллаштириш;
- реклама, воситачилик, агентлик, маслаҳат, маъмурий, консигнацион, дилерлик, дистрибьюторлик, инжиниринг ва маркетинг хизматлари кўрсатиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот нархларини мустақил ўрнатиш ва уни сотиш шартларини белгилаш;
- Қонунчиликка мувофиқ кўчма ва кўчмас мулкни харид қилиш, ижарага олиш ёки ҳар қандай қонуний воситалар ёрдамида олиш ёки бошқа ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш, уларга эгалик қилиш, такомиллаштириш, фойдаланиш ёки бошқа фаолиятни амалга ошириш (унинг моддий ёки номоддий актив ҳисобланишидан қатъий назар), ёки улар бўйича ҳар қандай ҳуқуқлар ёки манфаатларни амалга ошириш (ушбу мулк, активлар ва ҳуқуқлар қаерда бўлишидан қатъий назар), шунингдек бундай мулк ва актиқлар ёки уларга доир ҳар қандай манафаатларни сотиш, бошқага бериш, ижарага бериш, айирбошлаш ёки ўзгача тарзда тасарруф этиш;

- Қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида филиаллар, ваколатхоналар ва шуъба корхоналар ташкил қилиш; бундай филиаллар, ваколатхоналар Жамият томонидан тасдиқланган низомлар асосида фаолият олиб боради, шунингдек шуъба корхоналар Жамият томонидан тасдиқланган устав асосида ҳаракат қилади;
- бошқа компания ёки корпорацияларда иштирок этиш улушларини сотиб олиш, эгаллик қилиш ва ёки улушлар ва иштирок этишдан олинган бошқа даромадларни тасарруф этиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида исталган шахслар билан мустақил равишда шартномалар ва битимлар тузиш, тижорат ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш, шунингдек ҳар қандай турдаги мажбуриятларни зиммага олиш;
- шартномалар тузиш, мажбуриятлар олиш, Жамият томонидан белгиланиши мумкин бўлган фоиз ставкалари бўйича пулларни қарзга олиш, ўзининг ҳар қандай мажбуриятларини мулкни, ҳуқуқлари ва даромадларининг ҳаммаси ёки исталган қисми ипотекаси, гарови воситасида ёки Қонунчиликда рухсат этилган бошқача усулда таъминлаш, ва Жамият хўжалик фаолияти учун зарур ёки уни амалга ошириш ёки ривожлантиришга хизмат қиладиган кафолатлар ва кафилликлар тўғрисида шартномалар тузиш;
- Жамият мақсадлари учун пул маблағларини тақдим этиш, унинг фондларини инвестиция ва реинвестиция қилиш, шунингдек шундай тарзда қарзга берилган ёки инвестиция қилинган маблағлар қайтарилишини таъминлаш учун моддий ва номоддий активлар кўринишидаги кўчма ва кўчмас мулкни қабул қилиш, эгаллик қилиш ва операцияларни амалга ошириш, шунингдек Жамият мажбуриятлари бўйича ҳар қандай шахсга мулкни ҳибсга олиш йўли билан ёки ўзгача тарзда гаров тақдим этиш;
- Қонунчиликка мувофиқ ўз маҳсулотлари ва хизматларини бевосита ёки воситачилар орқали экспорт қилиш, ва Жамиятнинг 4.1-моддада баён қилинган тижорат фаолияти ва мақсадлари учун зарур ҳамда уларга мувофиқ хом ашё, бутловчи қисмлар ва хизматларни импорт қилиш;
- Қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида хорижий валютада ва Ўзбек Сўмида банк ҳисобрақамларини очиш ва юритиш;
- Қонунчиликка мувофиқ валюта операцияларини амалга ошириш ва товар ҳамда валюта биржалари фаолиятида қатнашиш;
- судларда, жумладан Ўзбекистон Республикаси судларида, арбитраж муҳокамаларида ва ҳар қандай мамлакат трибунали олдида даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиш;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва хорижий фуқароларни

ишга қабул қилиш, уларга иш ҳақи тўлаш шакллари ва миқдорларини ўрнатиш, нафақалар, мукофотлар тўлаш ва рағбатлантиришлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- Жамият фондларидан Жамият ва унинг ҳар қандай корхоналари, филиаллари ва корхоналари фаолиятини ривожлантириш учун фойдаланиш;
- ишончномалар бериш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ҳар қандай товар белгилари, савдо номлари, хизмат кўрсатиш белгилари, саноат намуналари, патентлар, ихтиролар, ноу-хау ва бошқа исталган шаклдаги ақлий мулк учун ариза бериш, рўйхатга олиш, сотиб олиш ёки ўзгача тарзда олиш, сотиш, лицензиялаш, бошқага бериш ёки айирбошлаш;
- ҳар қандай турдаги зарарлар, таваккалчиликлар ва жавобгарликдан суғурталаш;
- хайрия мақсадида беминнат хайр-эҳсон қилиш ва соғлиқни сақлаш, фан ва маданиятга маблағ ажратиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ҳамда 4.1-моддада баён қилинган мақсадларга мувофиқ Жамият фаолияти учун зарур ёки мақбул юридик шахслар ва ассоциацияларда иштирок этиш, сотиб олиш, эгалик қилиш, ижарага бериш, сотиш ёки ўзгача тарзда тасарруф этиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа корхоналар билан ширкатлар, қўшма корхоналар, ассоциациялар ва консорциумлар ташкил қилиш бўйича шартномалар тузиш ёки бекор қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки ундан ташқарида алоҳида ёки бошқа шахслар билан биргаликда, ёки агентлар, субпудратчилар, шуъба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналар ёрдамида, ёки бошқача тарзда ишонч билдирувчи шахснинг ваколатли вакили, агент, пудратчи ёки бошқа сифатида фаолият олиб бориш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида кўргазмалар, аукционлар ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларни ташкиллшатириш ва уларда иштирок этиш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида улгуржи-чакана савдо фирма магазинларини ташкил қилиш;
- Иштирокчи томонидан ва Умумий йиғилиш қарори билан белгиланган мақсадларни бажариш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида кредитлар,

қарзлар ва бошқа молиялаш шаклларидан фойдаланиш, шунингдек Қонунчиликка мувофиқ хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш;

- Мазкур Устав ва Қонунчиликка мувофиқ Жамият фаолияти учун талаб қилинадиган экспорт ва импорт операцияларини амалга ошириш;
- агар бундай аъзолик Ўзбекистон Республикасининг монополияга қарши қонунчилигига зид бўлмаса, ассоциациялар, концернлар, тармоқ ичи, минтақавий ва бошқа ассоциацияларга аъзо бўлиш, ва
- Қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш.

4.3 Жамият амалга ошириш учун Қонунчиликка мувофиқ махсус рухсатнома (лицензия) олиш талаб қилинадиган фаолият турлари билан фақат тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сўнг шуғулланиши мумкин.

4.4 Жамият ўзининг ишлаб чиқариш режалари ва иш режаларини ишлаб чиқишда яқин ҳудудлардаги экологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятини ва юқорида айtilган режаларини ваколатли органлар мувофиқлаштиради, шунингдек ижтимоий оқибатларни ва ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг манфаатларини эътиборга олади.

5 УСТАВ ФОНДИ

5.1 Устав Фонди 8 500 000 (саккиз миллион беш юз минг) АҚШ долларини, яъни Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги эквивалентида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг устав фондиди шакллантирган санадаги курси буйича сўмни ташкил қилади.

5.2 Иштирокчининг Жамият Устав фондидаги Иштирок этиш улуши:

- “TIANJIN RING-TOP PETROLEUM MANUFACTURE CO. LTD” масъулияти чекланган компаниясини улуши Устав фондининг 100% ташкил қилади ва қиймати 8 500 000 (саккиз миллион беш юз минг) АҚШ долларига тенг. ✓

5.3 Иштирокчининг Жамият Устав фондига улуши қуйидагилар кўринишида бўлиши мумкин: буюмлар, жумладан пуллар ва қимматли қоғозлар, мулк жумладан мулк хуқуқлар, ишлар ва хизматлар, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек интеллектуал мулк объектларига оид мулк хуқуқлар.

5.4 Агар Жамиятнинг мазкур Таъсис ҳужжатларида ёки Иштирокчилар Улуши йиғилиши қарорида бошқа қоида назарда тутилган бўлмаса, Иштирокчи томонидан Устав фондига улуш сифатида берилган мулк Жамият мулкига ўтади.

6 УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ

- 6.1** Устав фондини кўпайтириш қуйдагилар томонидан киритиладиган буюмлар, жумладан пуллар ва қимматли қоғозлар, мулк, жумладан **мулкий** ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, интеллектуал мулк объектлари, шунингдек интеллектуал мулк объектларига оид мулкый ҳуқуқлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин:
- **Жамият**, ёки
 - **Иштирокчи** томонидан қўшимча улуш сифатида, ёки
 - **Жамиятнинг** янги Иштирокчисига айланадиган учинчи тараф томонидан.
- 6.2** Пулсиз шаклда киритилган улушларнинг пул баҳоси Иштирокчининг **Умумий** йиғилишдаги қарори билан тасдиқланади.
- 6.3** Устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор ва Устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ равишда Уставга тегишли ўзгартиришлар **киритиш** тўғрисидаги қарор Иштирокчи томонидан Умумий йиғилишда қабул қилинади.

7 УСТАВ ФОНДИНИ КАМАЙТИРИШ

Устав фонди Қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда камайрилиши лозим.

8 ИШТИРОК ЭТИШ УЛУШИНИ БОШҚАГА БЕРИШ

- 8.1.** Иштирокчи Устав фондидаги ўз улушини ёки унинг бир қисмини учинчи шахсга сотишга ёки бошқача тарзда унинг фойдасига воз кечишга ҳақлидир.

9 ФОНДЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

- 9.1** Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш учун захира фонди ("**Захира Фонди**") ташкил қилиши мумкин. Захира фонди Умумий йиғилиш томонидан Қонунчиликка мувофиқ белгиланган миқдорда ташкил қилади, бироқ унинг миқдори Устав фондининг камида ўн беш фоизини (15%) ташкил этади. Захира фонди Жамият томонидан ҳар йили соф фойдадан камида беш фоиз (5%) ажратиш йўли билан белгиланган суммага етгунга қадар шакллантирилади. Умумий йиғилиш Захира фондига йиллик ажратмалар миқдори ва Жамиятнинг бошқа фондларини шакллантириш тартибини белгилайди.
- 9.2** Жамият фақат Жамиятнинг соф фойдаси ҳисобидан бошқа фондларни ташкил қилади ва фойдаланади.

10 ЖАМИЯТ МУЛКИ

10.1 Жамият мулки қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Устав Фонди;
- Захира Фонди;
- Жамият томонидан олинган соф фойда ҳисобидан ташкил қилинадиган фондлар;
- Жамият ўзининг хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида ишлаб чиқарадиган маҳсулот;
- банклар, бошқа кредит ва молия муассасалари томонидан ажратиладиган кредитлар;
- Қонунчиликда рухсат этилган бошқа активлар ёки мулк.

10.2 Жамият Иштирокчиси Жамиятга киритадиган мулк ва активлар, олинган даромадлар (фойдалар), ишлаб чиқарилган товарлар, шунингдек у Қонунчиликка мувофиқ олган мулкнинг эгаси ҳисобланади.

11 ИШТИРОКЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

11.1 Иштирокчи қуйидагиларга ҳақлидир:

- Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг фаолияти, мулки, фойда ва зарарлари тўғрисида тўлиқ ахборот олиш;
- Жамият бошқарув органлари фаолиятига тегишли маълумотларни, жумладан бухгалтерия ҳужжатлари, ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатларни таҳлил қилиш;
- Жамият фаолияти воситасида олинган фойдани олиш (пул ва маҳсулот шаклида) ва олинган фойдани эркин тасарруф этиш;
- Ўзининг Иштирок этиш улушини Умумий йиғилиш қарори бўйича ҳар қандай учинчи шахсга сотиш, ўзгача тарзда унинг фойдасига воз кечиш ёки бериш;
- Жамият тугатилган тақдирда, кредиторларнинг даъволари қондирилгандан кейин қолган активларни олиш;
- ваколатли давлат органларида ва судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- Қонунчилик бўйича кўзда тутилиши мумкин бўлган ўз ҳуқуқларини

ҳисоб қилиш, ва

- Жамият таркибидан чиқиш.

11.2 Иштирокчининг мажбуриятлари:

- мазкур Устав қоидаларига риоя қилиш;
- Жамиятнинг вазифалари ва мақсадларини тан олиш ҳамда уларга эришишга кўмаклашиш, ва
- Умумий йиғилиш белгилаган қолган барча мажбуриятларни бажариш.

12 ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАР ЎРНИНИ ҚОПЛАШ

12.1 Фойдани тақсимлаш

12.1.1 Жамият томонидан исталган йилда олинган ва давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, Захира фонди ва Жамиятнинг бошқа фондларига ажратмалар амалга оширилгандан сўнг қолган даромад (фойда) Иштирокчига ўтказилади.

12.1.2 Даромад (фойда) Иштирокчига Умумий йиғилиш қарорига мувофиқ Жамиятнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлангандан ажратилади.

12.2 Зарарлар ўрнини қоплаш

12.2.1 Жамиятнинг режалаштирилган зарарлари (ишлаб чиқариш модернизацияланган, ишлаб чиқаришга янги маҳсулот ва технологиялар жорий қилинган, янги фаолият турлари ўзлаштирилган ва ҳ.к.) Умумий йиғилиш қарори бўйича Захира фонди ва Жамиятнинг бошқа фондлари ҳисобидан қопланади.

12.2.2 Кўзда тутилмаган вазиятлар (Форс Мажор), бозордаги кутилмаган ўзгариш, инқироз, депрессиялар ва бошқалар натижасида кўрилган режадан ташқари зарарлар Захира фонди ҳисобидан қопланади.

12.2.3 Захира фонди маблағлари етарлича бўлмаган ҳолда, Жамият Умумий йиғилиш қарори бўйича бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг мавжуд маблағларини кредитлар ва қарзлар воситасида, шунингдек Иштирокчига Қонунчиликка мувофиқ қўшимча инвестициялар киритишни сўраб мурожаат қилиш орқали жалб қилиши мумкин.

13 ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Умумий йиғилиш, ва
- Директор.

14 УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ

14.1 Жамият бошқарувининг олий органи Умумий йиғилиш ҳисобланади.

14.2 Умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, унинг режалари ва ҳисоботларини тасдиқлаш;
- Устав фондини кўпайтириш / камайитишни тасдиқлаш;
- Таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш;
- Директорни тайинлаш ва чақириб олиш, унинг ваколатлари доирасини тасдиқлаш;
- фойдаларни тасдиқлаш ва зарарлар ўринини қоплашни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг йиллик баланс ҳисоботини ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг шуъба корхоналари, ваколатхона ва филиалларини ташкил қилиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, шунингдек Жамият фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш;
- Жамият бошқарув органлари мансабдор шахсларини моддий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- Жамият Директори, Жамият ваколатхона ва филиаллари раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорларини белгилаш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
- Иштирокчининг Иштирок этиш улуши гаровини тасдиқлаш;
- Жамият мулки гаровини тасдиқлаш;
- Иштирокчининг Иштирок этиш улушини сотиб олишни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг бошқа ташкилотларда иштироки юзасидан қарорлар қабул қилиш, ва
- Жамиятни тугатиш тўғрисида, Тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисида ва тугатиш балансини тасдиқлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш.

14.3 Умумий йиғилишнинг барча қарорлари фақат Иштирокчи томонидан қабул қилинади ва ёзма шаклда расмийлаштирилади.

14.4 Навбатдаги (йиллик) Умумий йиғилиш Иштирокчи томонидан унинг ўз ихтиёрига кўра, бир йилда камида бир марта чақирилади. Директор

Жамият фаолиятига оид ҳар қандай масалаларни Умумий йиғилишга кўриб чиқиш учун тақдим этишга ҳақлидир.

15.5 Навбатдан ташқари Умумий йиғилиш Қонунчиликка мувофиқ ўтказилади.

15 ДИРЕКТОР

15.1 Директор Жамият фаолиятига кундалик раҳбарликни амалга оширади. Директор Иштирокчи томонидан Умумий йиғилиш қарор асосида тайинланади.

15.2 Меҳнат шартномаси Директор ва Жамият ўртасида тузилади. Меҳнат шартномасини Жамият номидан Иштирокчининг Умумий йиғилишдаги ваколатли вакили томонидан имзоланади.

15.3 Директор мазкур Устав ва Қонунчиликка мувофиқ Жамият олдида жавобгар ҳисобланади.

15.4 Директор 2 (икки) календар ҳафта олдин Жамиятга ёзма хабарнома тақдим этиш воситасида истеъфога чиқиши мумкин.

15.5 Директор қуйидаги ҳолларда автоматик равишда ўз лавозимидан озод қилинади, агар:

- қонунга биноан унга Директор лавозимини эгаллаш тақиқланган бўлса;
- у суд томонидан жиноятда айбдор деб топилган бўлса;
- руҳий касалликка учраган бемор бўлса ва Иштирокчининг фирига кўра ўз ишларини тегишлича юритишга лаёқатсиз деб топилса;
- Умумий йиғилиш Директорни лавозимидан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилса.

15.6 Директорнинг ваколатлари

Қонунчиликка мувофиқ Директорнинг ваколатларига кирувчи бошқа ҳар қандай масалаларга қўшимча равишда Жамият фаолиятига оид қуйидаги масалалар ҳам Директор мажбуриятлари доирасига киради :

- Жамият кундалик фаолиятининг ишлаб чиқариш, ташкилий, молиявий ва тижорат соҳаларини бошқариш;
- Умумий йиғилиш қарорларига мувофиқ Жамият мақсадлари бажарилишини таъминлаш;
- мазкур Устав ва Умумий йиғилиш томонидан унга юклатилиши мумкин бўлган барча қолган вазифалар ва функцияларни бажариш;
- учинчи шахслар билан муносабатларда Жамият манфаатларини ифода этиш;

- Жамият номидан ва унинг топшириғи бўйича, ишончномасиз, контрактлар, шартномалар ва битимлар тузиш, шунингдек бошқа қонуний ҳаракатларни амалга ошириш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини белгилаш ва ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг қоидалари, тартиблари ва бошқа ички ҳужжатларини тасдиқлаш;
- Жамият ходимлари билан меҳнат шартномалари тузиш, Жамият ходимларини лавозимларга тайинлаш ва озод қилиш, Жамият ходимларига иш ҳақи белгилаш, ва
- йиллик баланслар ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботларни Умумий йиғилишга тасдиқлаш учун тақдим этишга тайёрлаш.

157

Директор, ўз ваколатлари доирасида ва Қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ:

- Жамият фаолиятига тезкор раҳбарликни амалга оширади;
- Жамият мулкани, жумладан унинг молиявий активларини тасарруф этади;
- Умумий йиғилишга йиллик баланс ҳисоботи, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ва йиллик ҳисоботни, шунингдек Қонунчиликда кўзда тутилган давр мобайнида молиявий режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади;
- Жамият номидан ишончномасиз иш олиб боради ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида барча муассасалар, компаниялар ва ташкилотлар билан муносабатларда Жамиятни ифода этади;
- турли битимларни тузади ва бошқа қонуний ҳаракатларни амалга оширади, ишончномалар беради ва Жамиятнинг ҳисоб-китоб ва бошқа банк ҳисобрақамларини очади;
- Жамият ходимлари ишини бошқаради;
- Жамият ходимларини ишга ёллайди ва ишдан бўшатади, уларнинг иш ҳақи ва лавозим маошлари, моддий ва бошқа рағбатлантиришлар, жарималар шакллари ва миқдорларини белгилайди;
- Умумий йиғилишда кўриб чиқиш учун зарур ҳужжатлар ва таклифларни тайёрлайди ва Умумий йиғилишда қабул қилинган қарорлар бажарилишини таъминлайди, ва
- Жамият мақсадларига эришиш учун зарур бошқа ҳаракатларни амалга оширади, мазкур Уставга мувофиқ бевосита Умумий йиғилиш ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

15.8 Ваколатларни чеклаш

Директор Умумий йиғилишнинг олдиндан розилигини олмасдан қуйидагиларни амалга оширишга ҳақли эмас:

- учинчи томонларнинг мажбуриятлари бўйича зарарларни қоплашга кафолатлар бериш;
- Жамият ҳисоб-китоблари асосида аниқланган Жамият мулки қийматининг йигирма беш фоизидан (25%) ортиқ қийматга эга контрактлар тузиш ёки шартномаларда иштирок этиш;
- Жамият мулкининг ҳаммаси ёки бир қисмига нисбатан ҳар қандай мажбуриятлар билан боғланганликни яратиш, Жамиятнинг оддий хўжалик фаолияти жараёнида қарзга олинган суммалар учун банкларга тўланиши лозим бўлган Жамият қарзларини таъминлаш бундан мустасно;
- активларни тақсимлаш, ёки
- бирон бир компания ёки юридик шахснинг қандайдир акциялари пакетлари, облигациялари, заёмлари ёки қимматли қоғозларини олиш, сотиб олиш ёки уларга (ёки бўйича фоизларга) обуна бўлиш.

16 **ЙИРИК БИТИМЛАР**

16.1 Бундай битимни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинадиган кундан олдинги охириги ҳисобот даври учун ҳисоб-китоблар асосида аниқланган Жамият мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизидан (25%) ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни Жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки (бевосита ёхуд билвосита) тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим йирик битим деб ҳисобланади.

16.2 Йирик битимни тузиш тўғрисидаги қарор Иштирокчи томонидан Умумий йиғилишда қабул қилинади.

16.3 Жамиятнинг одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган битимлар йирик битимлар ҳисобланмайди.

16.4 Бундай йирик битим натижасида жамиятнинг тасарруфидан чиқарилган мол-мулкнинг қиймати унинг ҳисоб-китоблари асосида, жамият оладиган мол-мулкнинг қиймати эса - таклиф қилинган баҳо асосида аниқланади.

17 **БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ; МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ**

17.1 Жамият Қонунчилик талаб этганидек Ўзбек Сўмида бухгалтерия китоблари ва ҳисоботини юритади.

- 17.2 Жамиятнинг биринчи молия йили у давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошланади ва ўша йилнинг 31 декабрида тугайди. Жамиятнинг кейинги молия йиллари ҳар йили 1 январда бошланади ва 31 декабрда тугайди.
- 17.3 Мазкур Моддада ишорат қилинган барча бухгалтерия ва молия ҳужжатлари Қонунчиликда талаб этилган тилда ёки ўзбек ёки рус тилларида ёки амалий зарурат талаб қилган тилда тайёрланади.
- 17.4 Жамият ходимлари асосан Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан ташкил топади, бироқ хорижий жисмоний шахслар ҳам ишга таклиф қилиниши мумкин.
- 17.5 Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, иш вақти, иш ҳақи ва моддий рағбатлантиришлар шакллари ва миқдорларига оид масалалар, шунингдек ижтимоий суғурталаш масалалари Директор томонидан Қонунчиликка мувофиқ ҳал қилинади.

18 ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

- 18.1 Жамият қуйидагилар асосида қайта ташкил этилади ва тугатилади:
- Умумий йиғилиш қарори бўйича;
 - агар Жамият зарур рухсатномасиз (ёки лицензиясиз) ишлаётган ёки Жамият фаолияти Қонунчиликда тақиқланган бўлса, суд қарори бўйича, ва
 - Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабаблар бўйича.
- 18.2 Жамиятни қайта ташкил этиш Умумий йиғилиш қарори бўйича қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш шаклида амалга оширилиши мумкин.
- 18.3 Жамият Умумий йиғилиш қарори асосида белгиланган ёки Қонунчиликда кўзда тутилган асослар бўйича қайта ташкил этилиши мумкин.
- 18.4 Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бирон-бир бошқа томонларга ўтмаган ҳолда фаолиятининг тугатилишига сабаб бўлади.
- 18.5 Жамиятни ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги ва Тугатувчини ("Тугатувчи") тайинлаш ҳақидаги қарор Иштирокчи томонидан Умумий йиғилиш қарори асосида қабул қилинади.
- 18.6 Тугатувчи тайинланган пайдан бошлаб Жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. Тугатувчи Жамиятни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан мазкур қарор нухасини Давлат рўйхатига олиш органига, бошқа ҳужжатларни Жамиятнинг ҳисобрақамлари очилган ва хизмат кўрсатиладиган банкларга юборади. Тугатиш Комиссияси ҳам

Жамият тугатилиши тўғрисида бир ёки бир нечта даврий нашрларда эълон беради ва ўз ваколатлари доирасида бошқа ҳаракатларни амалга оширади. Эълонда бошқа маълумотлар билан бирга Жамият кредиторларининг талаблари байн қилинган аризаларни қабул қилиш тартиби ва муддатлари кўрсатилади, ушбу муддат эълон берилган санадан бошлаб икки (2) ойдан кам бўлиши мумкин эмас.

18.7 Тугатиш тўғрисидаги ёзув тегишли давлат реестрига киритилган пайдан бошлаб тугатиш яқунланган ва Жамият тугатилган ҳисобланади.

19 НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

19.1 Мазкур Устав Қонунчиликка мувофиқ тартибга солинади ва талқин қилинади.

19.2 Мазкур Уставдан ёки унга боғлиқ равишда келиб чиқадиган ёки уни бузиш, тугатиш ёки ҳақиқийлиги хусусида юзага келадиган ҳар қандай даъволар, низолар ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ўз ечимини топмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари томонидан тартибга солинади.

20 БОШҚА ҚОИДАЛАР

20.1 Мазкур Устав Иштирокчининг қарори бўйича ўзгартирилиши ва тўлдирилиши мумкин, ва бундай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилади ҳамда Давлат рўйхатидан ўтказиш органи томонидан рўйхатга олинади.

20.2 Мазкур Уставга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур Уставнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Имзо.
Тўғридан Тўғридан Тўғридан Тўғридан Тўғридан
31.12 Sun Bo

“TIANJIN RING-TOP PETROLEUM MANUFACTURE CO. LTD” МСНК

Директори Чжан Чжипин

2013 йил “13” СЕНТАБЕР

2013 йил сентябр ойининг 13-куни мен, Тошкент шаҳар Юнусобод тумани биринчи сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси Иногамова С.Ш., «RUN TONG METAL INDUSTRIAL» Маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхонасининг таъсисчиси маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги «TIANJIN RING-TOP PETROLEUM MANUFACTURE CO.LTD» компанияси раҳбари Хитой Халк Республикаси фуқароси ZHANG ZHIPINGнинг низомага менинг хузурида куйган имзосининг хақиқийлигини шаходатлайман.

Хужжатни имзоловчининг шахси аниқланди, унинг муомалага лаёқатлилиги текширилди, яъни шахсий мулоқот давомида унинг муомалага лаёқатлиликлари шубха тугдирмади, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсизликлари хақида ҳеч қандай маълумот йук.

Низом матнини Хитой Халк Республикаси фуқароси ZHANG ZHIPINGга нотариус хузурида узбек тилидан хитой тилига таржимонлар Хитой Халк Республикаси фуқароси SUN BO /G30142398 серияли 28.08.2009 йил берилган паспорт/ ва ТУРСУНОВ УЛУГБЕК ОКТЯБРЬЕВИЧ (паспорт СА 2540505 Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани ИИБ томонидан 06.08.2008й.б.) томонидан оғзаки таржима қилиб берилганлигини шаходатлайман. Таржимонлар SUN BO ва ТУРСУНОВ УЛУГБЕК ОКТЯБРЬЕВИЧ нотариус Иногамова С.Ш. томонидан ёлгон ва нотугри таржима қилиш жиноий жавобгарликка тортирилиши тушунтирилди.

Таржимонлар SUN BO ва ТУРСУНОВ УЛУГБЕК ОКТЯБРЬЕВИЧнинг шахси аниқланди.

Шунингдек, маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги «TIANJIN RING-TOP PETROLEUM MANUFACTURE CO.LTD» компанияси нинг ҳуқуқ лаёқати ва раҳбарнинг ваколоти - текширилди.

Расмий руйхат китобидан № 5-3182 билан қайд қилинди.

Иногамова С.Ш. Сум микдорида давлат божи ундирилди.



[Handwritten signature of S. Sh. Inogamova]

ИНОГАМОВА С.Ш.



Итого проинформовано,
Проминформовано и скреплено
16.09.2013г. ИИ
[Handwritten signature]